

Солиқ юкини ошишидаги икки муаммо устида тўхталиб ўтамиз. Биринчиси, турли тармоқларда солиқ оғирлигини аниқлашнинг ягона, тўғри услугини ишлаб чиқиши. Гап шундаки, ҳозир қўлланилаётган усул, назаримизда, бир мунча нокулай.

Турли тармоқ хусусиятлари турличалиги сабабли ягона усулнинг татбиқ этилиши солиқ оғирлигининг реал даражасини акс эттирмайди. Фикримизни намуна сифатида танлаб олинган Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги «Расулобод» масъулияти чекланган жамияти, «Газмонтаж» бошқармаси, «Билолбек» савдо корхонаси ва «Кимёвий тозалаш» майший хизмат кўрсатиш корхонасининг кўрсаткичларини келтирмоқчимиз (1-расм). Уларда сўнгги йилларда амалдаги усул бўйича солиқ оғирлиги расмдан ўрин олган.

Мазкур тармоқларда тегишли бошқа корхоналарда ҳам шунга яқин манзарани кўрсатиш мумкин. Бундай ҳисобдан солиқ оғирлиги саноат ишлаб чиқариш ва қурилиш-монтаж ташкилотларида жуда кам, савдо ва хизмат кўрсатишда юқори деган хулоса чиқмаслиги керак. Солиқ юкини аниқлаш учун жами солиқлар ва йиғимлар ҳамда мажбурий ажратмалар йиғиндинсигин ялпи даромадга нисбатан салмоғини топиш зарур. Солиқ оғирлигини ҳозиргидай аниқлаш реал ҳолатни нотўғри акс эттириш сабаби эса юқорида қайд этилган тармоқларда ишлаб чиқариш харажатларининг турличалигидир. Материал харажатлари ишлаб чиқариш ва қурилишда кўплиги боис маҳсулот қиймати юқори бўлади, солиқ ва йиғимлар йиғиндиси салмоғини эса камайтириб кўрсатади. Бинобарин, хизмат кўрсатиш ва савдода эса материал харажатлари жуда камлиги туфайли солиқлар салмоғи юқори чиқади. Шунинг учун солиқ оғирлигини ҳаққоний аниқлаш мақсадида ялпи даромаддан ишлаб чиқариш харажатларини чиқарип ташлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИННИГ ВАЗИФАЛАРИ ИЖРОСИ (ҚҚС мисолида)

*Сайдова Ўғилой Рустамжон қизи
ТДИУ докторанти*

Сўнгги йилларда бюджет-солиқ тизимидағи ўзгаришлар бюджетга солиқ тушумлари йилдан-йилга ортиб бораётганлигини ва айниқса импорт бўйича ундирилган солиқларнинг солиқ тушумларидағи улушидаги ўсиши сезиларли даражада эканлигидан кўриш мумкин.

Ушбу тезисда ўзгаришларнинг импорт қилинган хизматлар учун ундирилган қўшилган қиймат солиғи ҳамда норезидентларнинг даромад солиғининг 2010 йилдан 2022 йилгача ўзгаришларини таҳлил қилиб чиқилган.

Расмда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги

Солиқ Қўмитасининг маълумотлари асосида, Ўзбекистон Республикасининг 2010-2022 йиллар оралиғида импорт қилинган хизматлар учун ундирилган қўшилган қиймат солиғи ва норезидентлардан ундириладиган даромад солиғининг кўрсаткичлари берилган. 2010-йилдан 2017-йилгача секин ўсуви тренд кузатилган ҳмада иккала солиқ тури бўйича ҳам тушумлар 100-150 миллион сўм атрофида бўлганлигини кўришимиз мумкин.



1-расм. Импорт қилинган хизматлар учун тўланган солиқлар динамикаси, минг сўмда¹⁵⁸

Бироқ, 2018-йилга келиб кескин ўзгаришлар, яъни ўсиш бошланди. 2018-йилда кўрсаткичлар 2 марта юқорилаб кетди ва ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ тушумлари ҳам 200 миллион сўмдан ошиб кетди. Бунга асосий сабаб сифатида, 2018 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги Президент фармонини келтириш мумкин. Чунки ушбу фармонда солиқ юкини камайтириш ва қўшилган қиймат солиғини ундиришнинг самарасиз усулларидан воз кечиши бўйича бир қанча вазифалар белгиланган эди.

2019-йилда эса, даромад солиғи бўйича тушум деярли ўзгаришсиз қолиб, 250 миллион сўмдан сал юқори натижани кўрсатди. Аммо, қўшилган қиймат солиғи бўйича тушум 2 баробардан сал камроқقا ошди ҳамда йил давомида тахминан 440 миллион сўм атрофида бўлди. Ана шундан кейин иккала солиқ тури бўйича солиқ тушумларида кескин ўсиш кузатилди. Норезидентлардан ундириладиган даромад солиғи 2020-йилда аввалги йилга нисбатан деярли 2 баробарга ошган бўлса, импорт қилинган хизматлар учун ундирилган қўшилган қиймат солиғи тушумлари 1,5

¹⁵⁸ Муаллиф ишланмаси (<https://soliq.uz/>сайти маълумотлари асосида).

баробарга ўсиб, мос равища, 403 миллион ҳамда 660 миллион сўмни ташкил қилишди. Худди шундай кескин кўтарилишлар 2021-йилда ҳам кузатилинди. Даромад солиғи тушумлари 1.5, ҚҚС тушумлари эса, 1.6 марта ошиб кетди. Даврнинг охирги йилидага ўсиш давр мобайнида умуман кузатилмаганди, норезидентлардан олинадиган даромад солиғи 2 марта ошиб, 1 207 миллион сўмдан ошиб кетган вақтда, қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар ўтган йилга нисбатан 60 % га ўсиб, 1 600 миллион сўмни ташкил қилди ва бу қўрсаткичлар 12 йиллик давр мобайнидаги юқори қўрсаткичлар бўлиб қолди. Сўнгги 3 йилликдаги бунаقا каррасига кўпайишни қўшилган қиймат солиғи ставкаси 2020 -йилдан 20 фоиздан 15 фоизга туширилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Чунки товар, иш, хизматлар импорт қилинганда, тадбиркорлар бюджетга камроқ солиқ тўлаш мақсадида ҳисоб-фактурадаги нархни пасайтиришга ҳаракат қилишади, натижада, бюджетга солиқ тушумлари ҳақиқатдагидан анча паст тушади. Лекин шу билан биргаликда, импортёр тадбиркорларда ушбу маҳсулотни экспорт қилувчига асл нархини тўлашда бир қанча муаммолар келиб чиқади. Агар солиқ ставка туширилса, тадбиркор ҳеч иккиланмасдан товар, иш, хизматларнинг асл нархини ҳисоб-фактурада ёзиб, солиқларни аниқ ва тўғри ҳисоблаб, бюджетга тўлаб беришни танлайди.

Демак, 1-расм маълумотлари асосида хулоса қиласиган бўлсак, даврнинг охирги 5 йиллигига давр бошига нисбатан катта ўшишлар кузатилганлигини айтишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 29-iyundagi "Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiysi to'g'risida" PF-5468-sin Farmoni
2. <https://soliq.uz> - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ Кўмитасининг расмий веб саҳифаси
3. <https://lex.uz>

**ПОВЫШЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ И
РАЦИОНАЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЯ БЮДЖЕТНО-НАЛОГОВОЙ СИСТЕМОЙ -
ФАКТОР УРОВНЯ БЛАГОСОСТОЯНИЯ**

Тошпулатова Мадина Аваз кизи

Ташкентский Государственный экономический университет

Белалова Г.А.

старший преподаватель кафедры «Искусственный интеллект»

Ташкентский Государственный экономический университет

Повышение финансовой грамотности населения обладает исключительно положительными чертами для всей отечественной экономики и особенно актуально в условиях, существующих санкционных ограничений. На рисунке 1 схематично представлены составляющие финансовой грамотности.